

ТОШКЕНТ

Оқшом

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 163 (6.354)

1987 йил 20 июль, душанба

Баҳоси 3 тийин



Улуғ Октябрь шарафига

Қурувчи минбари

План бажарилди

ТЕЖАЛГАНИ НАҚД БОЙЛИК

Тошкент мармар ишлаб чиқариш бirlашмасининг коллективи юбилей йилнинг биринчи ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Утган опти ойда 2 миллион 923 минг сўмлик ўрнига 3 миллион 32 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, топшириқ 108,2 процент бажарилди. Шунингдек маҳсулотни реализация қилиш плани ҳам ошириб адо этилди. 3 миллион 79 минг сўмлик ҳар тил мармар плитлар буюртмачиларга етказиб берилди. Корхона замонавий техника воситаларидан оқинда фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг жадаллаштириш натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,1 процент ўсшига эришди.

Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган мармар плитлар Тошкент қурилишларидан ташқари мамлакатимизнинг Москва, Горький, Куйбишев сингари областларда бўлиб бўлаётган ноёб ишчиларни пардозлашда ҳам кўп келяпти.

Ярми йиллик топшириқнинг муддатидан олдин бажарилганда бир қатор бригадалар меҳнатда жонбозлик кўрсатдилар. Бахтиёр Жаббаров, Ариадий Карпов, Саид Гани-хонев сингари коммунистик меҳнат бажарувчилари шу кунларда сентябрь-октябрь ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида қурувчилар ишга ҳолме баҳо берилди. Барча меҳнаткашлар қатори биз ҳам Пленум материалларини зўр қизиқиш билан ўрганиб чиқдик. Унда қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун фақатгина амалий иш билан жавоб беришимиз лозим. Пленумда жумладан қапитал қурилиш ўн биринчи беш йиллик кўрсаткичларига нисбатан 1,3 баравар ўсганлиги тилга олинди. Яна, бироқ бу аҳолини уй-жой билан таъминлашни ахши йўлга қўйилди, дегани эмас, деб таъкидланди. Чунки янги оилалар сони тобора ортиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирини алоҳида квартира билан таъминлаш зарур.

Қўрилиб турибдиган, биз қурувчиларнинг фаолиятимизда жиддий камчиликлар кўп. Иш вақтидан фойдаланишда ҳанузгача икбий ўзгариш сезилмаяпти. Бошқарма-миздаги кўпгина қурувчиларнинг иш вақти соат 9 дан бошланса ҳам, улар кечкироқ объектга етиб келадилар. Коржомаларнинг кийиб, иш бошлагуларича қанчада ярим-бир соат қимматли дақиқалар бекор кетади. Кечки пайт эса бунинг акси. Кун давомида ҳеч қим тўлиқ саккиз соат меҳнат қилишга эришмаяпти.

Пленум материалларини ўқиб чиққач, биз имкониятларимиз ҳамда иш вақтидан қандай фойдаланаётганлигини муҳокама этдик. Бошқарма-мизда бўлган каби бригадаларда ҳам юқоридегидек ҳолатлар рўй бераётган экан. Баъзи пайтларда эса бинокорларимиз бекарорларча ишлайди оқибатда қурилиш материаллари ортқича сарфланаётганлиги маълум бўлди. Бундай қараганда аҳамияти йўқдек туюлган нарсас, чекисиз исрофгарчиликка олиб келишини кўнглик тушуниб етмайди. Айрим йиғиш терувиликларимиз яримта гийиш ётган жойда сифатли, бут-бутунини икки бўлиб ишлатадилар. Ваҳоланки, худди шу ерда майдалари тўлиб ётди. Керасиз жойларга кичик-кичик бўлакчалар териб ташланадиган, кейин бутунларини майдалаб юрилади. Агар ҳар кунги бир қурувчи ўтандан йиғиш тежаб қолса, бир ойда 250 донагача етиши мумкин. Энди шаҳарнинг барча бинокорлари бу масалга икбий ёндошишса, қанчадан-қанча материал нўтсод қилинади. Худди шу йиғишнинг замирида ҳам инсон меҳнати ётганини унутмаслигимиз лозим.

Монтаж қилинаётган устуларни бетон қоринмалари билан муштаҳамламиз. Бунинг учун тахта қопиллардан фойдаланамиз. Уларни ишлатиш муддатини узайтириш ҳам ўзиниқиза боғлиқ. Эҳтиёткорлик билан ишлатиш, ҳар қандай асбоб-анжом, хом ашёнинг хизмат вақти уза-

йиши аниқ. Майда-чуйда ҳақида фикрлаётганим учун ҳайрон бўлманг. Бригаданиз аъзолари билан тортишган вақтимизда, йирик-йирик камчиликларнинг сабабини излаганимизда ҳамма нарсаси худди шу майда-чуйдаларга келиб тақалди.

Айтайлик қимдир опадубкани қўнраётганда қўполлик билан битта тахтасини сиңдириб юборди. Аммо ҳеч қим уни огоҳлантиргани йўқ. Оқибатда у шу ишни яна такрорлайверди. Опадубкани бутуллаш учун эса янги тахта зарур. Кўзда тутилмаган хом ашё қаердан олинади? Маълум бўлишча, масъулиятнинг йўқотганлиги боисдан бошқа асбоб-анжомлар, қурилиш материаллари билан ҳам айрим ҳамкасбларимиз худди шундай муносабатда бўлганлар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларига жавобан зимманизга қўшимча мажбуриятлар қабул қилдик. Меҳнат нитозимини кучайтириш, иш вақтининг бекор ўтишини икки процентга қисқартириш, кол-лектив пудрати методиди иш юритиш, асосий эътиборни сифатга қаратиш, қурилиш материаллари исрофгарчилигини қамайитириш, улардан унумли фойдаланишни кўзда тутилганидан қўнрайтириш, ҳар бир бўвдқорга йил охиригача яна биттадан қасб ўрнатиш, унинг малакасини опириш сингари тақидларни ҳамкасбларимиз бир овоздан маъқулладилар. Шунингдек, йиллик планини муддатларини бажаришга азму-қарор қилдилар. Шу кунларда Х. Олимжон қонли массивда бўвд этилаётган «Дўстлик» комплексда меҳнат қиладиган қасбдошларимдан А. Гофуров, Ю. Скригин, В. Ҳамроқулов, С. Кривоусов, Р. Кимиякин сингари қурилиш нормаларини опириб бажаритилар. Уларнинг ғайрат-шиқоватлари Улуғ Октябрьнинг 70 йиллик тўйига, албатта, муносиб совға тайёрла-нишдан дарак бериб турибди. Биз ярим йиллик планини 102 процентга уддалаб, 240 минг сўмлик қурилиш-мон-таж ишларини амалга опирдик.

Х. ҚОРАБОЕВ,
11-«Висострой» трести 17-қурилиш бошқармаси қурувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

● (Тежамкорликка риоя қилиш, ҳўжасизликка барҳам бериш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи туркум материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқисиз).

СЕРГЕЛИНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

Қурилиш
майдонларида

Очигини айтиш керак. Бугунги Сергели кенгаи кунидан фарқ қиладди. Кенг ва асфальт йўл бўйлаб кетган ёруғ ва раво қўчаларнинг икки четига қад кўтарган тўққиз қаватли турар жой бинолари комплекс қўрилиши, замонавий архитектура-си, ўз ансамбли билан бе-хитири диққатимизни торти-ди.

Шаҳар билан Сергелини боғловчи қатта йўл бўйида яна бир муҳташам бино қад кўтарибди. Тўққиз қаватдан ташқил топган бу замонавий бинога 144 оила кўчиб кирди. Биз янги уйда истиқомат қиладиган бир неча бахти-ёр оилалар ҳузурида бўл-дик. Улар билан суҳбатла-шиб, дил сўзларини тингла-дик.

— Оиламиз беш кишидан иборат, — дейди бизга «Уч-кун» тўқимачилик-галанте-рея ишлаб чиқариш бirlаш-масининг илписчи С. Хали-лова, — Олдин Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида жойлаш-ган эски уйларида турардик. Дастлаб бизга Сергели рай-онининг 2-кварталдан уй берилишини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдик. Ахир у ерда шаҳарга қатнаб ишлаганинг ўзи бўладими, деган ҳаёлда ҳатто янги уйдан воқ кеч-моқчи ҳам бўлидик. Кейин билсак шаҳар билан. Серге-ли ораси икки қадам экан. Троллейбуслар, турнақатор автобусларнинг кети узил-маиди. Маршрут бўйлаб қат-новчи таксилари айтмай-сизми. 15—20 минутда сиз-ни марказга олиб бориб қў-яди.

— Ёнг муҳими бу ерининг ҳавоси мусаффо. Эрталаб ва кечқурунлари майин шамол эсиб, кишининг баҳри-ди-лини очади, — дейди қўш-нисининг сўзини давом эт-тириб пенсионер В. И. Кала-шикова. — Юрагим тез-тез хуруж қилиб турар, врачларга дам-бадам му-рожаат этишимиза тўғри кел-арди. Бу ерга кўчиб келган-дан бери ҳали бирор марта

поликленикага борганим йўқ.

Фойдаланишга топширил-ган янги бинонинг ёнгинаси-дан яна бир 72 квартирани йиғма бетонли бино пар-доздан чиқарилмоқда. Об-ъектда қурилиш-монтаж иш-ларини экспериментал йиғ-ма бетонли уй қурилиши комбинатида қарашли 3-қурилиш констрўкциса бошқармаси монтажчилари олиб боришмоқда. Пардоз-лаш ишларини эса 2-пар-дозлаш трестининг 48-қу-рилиш бошқармасига қарашли Т. Осауленко ва В. Новиков бошчилик қиладиган брига-да коллективи олиб бормоқ-да. Ташқи архитектура қў-рилиши безакли бўлган бу бино квартал ҳўснига янада ҳўсн қўшади.

Объектдан сал нари юр-сангиз Сергели бозорига чиқасиз. Бозорча орасида ҳам қатта бўвдқорлик иш-лари олиб бориляпти. Қўни-кеча бу ерда қуриб йитка-зилган 72 оилани қўп қа-ватли бинога ҳамшаҳарла-римиз кўчиб киришди. Улар билан суҳбатимиздан маъл-лум бўлдики, бўвдқорлар қурилишга масъулият би-ла ёндошиб барча ишлар-ни сифатли адо этишган. Эндиликда истиқоматчилар бинокорларнинг меҳнатла-ридан бениҳоя хурсандир-лар.

Сергели районида қарашли Қўйлиқ-5 массиви ҳам қўн-сайин чирой очиб бормоқда. Бу ерда қўллаб турар жой бинолари қурилиб фойдала-нишга топширилмоқда. Мас-сивда мактаб биноси йўқли-гидан норози бўлиб аҳоли бир неча бор район совети ижроия комитетида муурожа-ат қилган эди. Натижада аҳоли-нинг бу ҳақда талаби эъти-борга олинди. Утган йили бу ерда 1251 ўринли мактаб қурилиш жадвал сўрўятлар-да бошлаб юборилди. Уни бўвд этишда «Гулаш-кентстрой»нинг 159-трести 10-қурилиш бошқармаси-нинг бўвдқорлари ва пар-



доздан трестининг 11-қу-рилиш бошқармаси қурувчи-ларининг ҳиссаси қатта бўл-ди. Бўвдқорларнинг самарали меҳнати билан мактаб қу-рилиш муддатидан илгари адо этилиб объект июнь ойида ахши баҳога қабул қилинди.

Замонавий усулда қад кўтарган бу мактаб 33 за-монавий синфхона, спорт зали, турли тўғарак хоналарига эга. Бу йил биринчи марта ўқувчиларни ўз бағрига қа-бул қиладиган уй қаватли бу мактаб биноси Таш-кентстройда қарашли йиғма бетонли уй қурилиш ком-бинатининг 3-қурилиш ком-вейерлари бошқармаси мон-тажчилари олиб бориш-моқда. Қурувчилар объект-ни муддатидан илгари фой-даланишга топшириш мақса-

дида ишни икки сменада ташқил этишган. Бўвдқорлар қурилиш иш-ларини олиб боришда ўзла-рига лийдан ёрдам бераёт-ган Сергели темир-бетон бўвмлари заводи коллекти-ви хизматидан бениҳоя мам-нундирлар. Ҳозирги кунда йиғишга қилга яқин қури-лиш маҳсулотлари ишлаб чиқараётган бу корхона темир йўл ҳамда қўнриқлар қурилиш ва йўлларини электрлаштиришда қурувчи-лар огирини енгил қилмоқда. Корхона меҳнат ахли Томен-ь нефть комплекс қурувчилари билан ҳам муштаҳам алоқа боғлаган. Ҳар йили корхона томенликлар ҳўзурига шарт-номада белгиланган маҳсу-лотларни етказиб беради.

Утган йили 35 минг кубметр маҳсулот томенликларга жў-натилганлиги фикримизнинг далилидир.

Биз ўз сафаримизда райо-нга қарашли бир неча маҳал-лаларда ҳам бўлидик. «Аб-рикосовая», «Полевая», «Ба-ҳор», «Мадагини» маҳалла-ларида ободонлаштириш ва

қўқамламоқлаштириш ишлари қўнғилдагидек олиб бори-лмоқда. Бу маҳаллалар бу йили ободонлаштириш бў-лигида диктив иштирок этиш-ди. Натижада маҳаллалар яшиллик либосига бурканиб кўча ва ирригация шаҳоба-лари турли чиқиндилардан тозаланди.

Бир сўз билан айтганда, районнинг келажак порлоқ. Бу ерда келгусида янада қў-ллаб муҳташам бинолар, ма-даный-маиший объектлар қад кўтариб шаҳарча ҳўс-нига янада ҳўсн қўшади.

М. КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: Сергели райони-нинг 2-кварталда фойдаланишга топширилган янги турар жой бинолари, районнинг Қўйлиқ-5 массивида бўвд этилган янги мактаб биноси ва ана шу массивда қад кўтарай-ган 72 оилалга мўлжалланган тўққиз қаватли эксперимен-тал турар жой биносининг умумий қўрилиши.

Х. Миразкаримов фотолари.

Замондошимиз



Давр қизи

Қаршимдаги суҳбатдошим ушбу суратда жиддий нигоҳ билан назар ташлаб турган замондошимиз — ула-элик фабрикаси қуюқ косметика цехи қадоқловчиси Саодат Шеро-вадир.

— Саодат, давримизнинг революцион ўзга-ришларидан ҳайратда эмасмисиз? — Нега энди, бу давр талаби. Қачонлардир шундай бўлиш мўқаррар эди. Партиямиз жуда аниқ йўлни белгилаб берди. Қайта қу-риш ва жадаллаштириш программасини амал-га опириб ҳар бир совет кишининг кунда-лик бурчига айланимоғи лозим. Тўғри, қотиб қолган форма, метод ва одатларни бўзиб, жамиятимиз учун ё бўлган иллатларни таг-томри билан қўриш осон иш эмас. Қайта қуриш учун курашмоқ, қайта қуришни ҳимоя қилмоқ керак.

— Сизнинг корхонангизда қандай ўзгариш-лар бўляпти? Сиз ҳеч нарсани сезапсизми? — Бўлмасам-чи, мамлакатимиз ўзининг ҳар бир граждани маънавий йўлини танлаб ола-ётган талабдан ва қизқариш бир даврини бо-шидан кечираётган бўлса, бунга қим ҳам бефарқ қараб туради. Агар орамизда бе-фарқлар, лоқайдаб бўлса, биз уларга сабр-тоқат билан қайта қуришнинг афзаллиқларини тушутирмоғимиз, уларнинг онгига етказмо-ғимиз керак. Бизнинг фабрикада бу борада икбий силжишлар бор. Ишчиларнинг ишга бўлган муносабатлари, ҳатто бир-бирига бўл-ган муносабати кўн сайин ўзгариб борапти.

Демак, ишчиларимиз ўз онглариини ҳам қай-та қуришга мосламоқдалар. Бинобарин пар-тиямизнинг июнь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек, «Ишчилар синфи янги-ланиш йўлидан дадил одим ташламоқда. Бар-ча ишларда ишчилар синфи қайта қуришнинг олдинги сафида бормоқда...»

— Сиз-чи!

— Менми! Мен комсомол аъзоси сифатида ўз фаолиятимни активлаштирдим. Смена топ-шириқларини ортин билан бажаришга эриш-япман. Жамоат ишларида ҳам иштирок эта бошладим. Мен меҳнат қиладиган София Гитц бошлиқ бригада Жамилла Тошматова етакчилигидаги бригадани социалистик мусо-бакага қачқирди. Ҳозир ҳар икки бригада кол-лективлари Улуғ Октябрьнинг 70 йиллиги шара-фига опиритган социалистик мажбурият олиб, беллашиб ишлямоқда. Ишчиларимизнинг қўп-чилиги бу шонли санага қадар йиллик ва икки йиллик план-топшириқларини бажариш учун курашмоқдалар.

— Ҳа, уларнинг олдинги сафида Саодат Шерова ҳам бор. Замондошларимиз орасида ана шундай давр руҳини, замон қалбини ту-шушиб яшаётган ўғил-қизларимиз борлигидан диллар фаҳрга тўлади.

М. ХАЛИЛОВ.

СУРАТДА: Саодат Шерова.

Т. Каримов фотоси.

Район партия комитетларининг пленумлари

Қуйбишев район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида «КПСС Мар-казий Комитети июнь (1987 йил) Пленуми қарорлари асосида экономикани қў-қаришни тубдан қайта қу-ришни таъминлаш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Қуйбишев район партия ко-митетининг биринчи секре-тари Н. И. Емельянов доклад қилди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети-нинг «Партияга қабул қи-лиш ва партия сафларини муштаҳамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишдаги жид-дий камчиликлар тўғрисида-ги қарорини бажариш юза-сидан район партия ташки-лотининг вазифалари»ни му-ҳокама қилдилар. Район партия комитетининг секре-

тари Т. Н. Булгакова ана шу масала юзасидан доклад қилди.

Худди шундай масалалар-ни Акмал Икромов район партия комитетининг плену-ми қатнашчилари ҳам қараб чиқдилар.

Акмал Икромов район партия комитетининг бирин-чи секретари Т. Х. Ҳайдаров ва район партия комитети-нинг секретари Ш. Х. Шу-курова докладлар қилдилар.

Газетхон—газета—газетхон

«Оқшом»нинг сайёр редакцияси Куйбишев районида бўлади

Индига, 22 июль, чоршанба кўни соат 17 дан то соат 19 га қадар Куйбишев район партия комитетиде «Тошкент оқшо-ми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ҳамда ходимлари-нинг Куйбишев райони меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

Бу—редакция ходимларининг шаҳримиз-даги районларга учинчи бор коллектив равишда чиқишидир. Бундан кўзда тутил-ган мақсад уларнинг ҳаётлари билан, қай-та қуриш жараёни муносабати билан, пай-да бўлган муаммолари ва ташвишлари ила янада чуқурроқ танишиш, ҳўжалиқни, экономикани бошқаришнинг янги усулларига ўтишга тайёргарлик чоғида дуч кели-наётган вазифалар билан янада яқиндан танишидир.

Акмал Икромов ва Киров районларига уюштирилган дастлабки икки сафар чоғида тўлганган материаллар асосида кейинчалик газета саҳифаларида бир қанча проблема-ти мақолаларни ёриш ишоним тўғрисида: «КПСС Марказий Комитети-нинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини муштаҳамлаш борасида Тош-кент область партия ташкилотининг ишда-ги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори асосида партияга қабул масалала-ри, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бир-лашмаси мисолида иш сифатини опириб, соғлиқни сақлашнинг модий базасини ях-шилаш зарурлиги, аҳоли турар жойларида ишларни ташқил этиш, бўш ётган эғасиз квартиралар ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни ўз ичига олган бир қанча проблематик мақолалар шулар жумласи-дандир.

Куйбишев районида 22 июль кўни бўла-

диган жонли мулоқот пайтида яна янги-дан-янги мавзуларнинг айтилишига биз жуда ҳам умидворимиз. Лекин журналист-лар бу борада икбий изланиб райондаги корхоналар, илмий тадиқот институтлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳаёти билан яқиндан танишиб, шаҳримиздаги энг йирик районлардан бири — Куйбишев районининг шу қуниг нафасини, район меҳ-наткашларининг ҳаёти ва амалга опираёт-ган ишларини объектив тарзда ҳикоя қи-либ бериш иштиёқинидадилар.

Биз сизларни Куйбишев район партия комитетиде бўладиган учрашувда қутамиз. Ўнда редакция ходимларидан ташқари район раҳбарлари, районнинг турли хиз-мат бўлинмалари мутасаддилари иштирок этишадилар. Лекин сиз ана шу учрашувнинг сирини қатнашчилари ҳам бўлишимиз мумкин. Бунинг учун 22 июль кўни 33-63-55, 67-58-84 рақамли телефонлар соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушун санафурсе соат 13 дан соат 14 га-ча) қўнғирот қилишнингиз мумкин. Сизлар олға сўрган ва иктимой аҳамията молик бўлган масалалар қараб чиқилди ва им-кони борича улар ҳал этилади.

Учрашув материаллари газетанинг яқин сонларидан бирдеда эълон қилинади.

Яна бир бор сизларга эслатиб ўтмоқчимиз: учрашув Куйбишев район партия комите-тида 22 июль кўни соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади.

Унинг сирини қатнашчилари эса шу кўни соат 11 дан то соат 17 га қадар 33-63-55, 67-58-84 рақамли телефонлар орқали қўнғирот қилишлари мумкин.



Об-ҳаво ва
саламатлик

20 ИЮЛДАН 26 ИЮЛГАЧА

Н. А. Семашко номидаги ку-рортология ва физиотерапия илмий-тадиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. М. Машидов тахри-ри остида.


Ўзбекистон ССР гидромете-орология марказининг маълу-мотларига кўра, шу ҳафтининг биринчи ярмида Ўрта Осиё территориясига Иттифоқимиз-нинг Европа қисмидан ва Уралдан ҳаво оқимининг ки-


риб келиши қутилади. Нати-жада ҳавода булут қўнайиб, момақалдиқроқ бўлиб, жала қуяиши, секундига 9—14 метр тезлик билан шамол, мома-қалдиқроқ пайтида эса шамол секундига 15—20 метр эшиш мумкин. Ҳарорат 12—18, кун-дузи 22—27 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтининг иккинчи ярми-да ҳаво исий бошлайди ва ҳафтининг охирига бориб, ҳарорат кечаси 17—22, кунду-зи 29—30 даража бўлади. Ҳафта давомида ўртача ҳа-рорат меъеридан кам бўлади. Н. А. Семашко номидаги ку-рортология ва физиотерапия илмий-тадиқот институти ме-дидина метеорологик маълу-мотлар ва метеопрофилактика бўлимининг мулоҳазасига қў-

ра, об-ҳавонинг бундай ўзга-риши—ҳавода булутнинг қў-найиши, ёнғингарчилик бўли-ш, намлик ортиши ва кисло-род таркибининг ўзгариш бе-морларни бирмунча безовта қиладилар. Бундай пайтда бемор-ларнинг бўғинлари огрийди, уйқуси бузилади, гипертония хасталигидеги беморларнинг қон босими ошади.

Бундай пайтда беморларнинг қон босимини ўлчава ва врач маслаҳатига кўра қон босими-ни бир меъромга соладиган дори-дармонларни бериш та-васия этилади. Таянч—ҳаракат аъзолари хасталанган бемор-лар ўзларини иссиқ туттишла-ри, даволоччи врач кўрсат-масига биноан огрик қолдира-диган дори-дармонларни қа-бул қилишлари керак.





ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ



20 ИЮЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ХАМРОХ» — Искра (16, 18, 20.00).
«МАХФИЙ ТЕРГОВ» — Тинчлик (тоқ соатларда).
«ШАҲАР ЧЕККАСИГА САЙР» — Лисунов номи (оқ соатларда).
«ХАМРОХ» — Искра (тоқ соатларда).
«ГОРГОНАНИНГ БОШИ» — Ф. Гулом номи (17, 20.00), К. Ерматов номи (тоқ соатларда).
«ОЛТИН МАЪБУДА» — Хива (вазг, 22.15), Янгйобод (тоқ соатларда).

21 ИЮЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«УЎЛОНЛАР ДАВРИ» — Искра (12, 14.00).
«ХАМРОХ» — Искра (16, 18, 20.00).
«МАХФИЙ ТЕРГОВ» — Тинчлик (тоқ соатларда).
«ШАҲАР ЧЕККАСИГА САЙР» — Лисунов номи (тоқ соатларда).
«ХАМРОХ» — Искра (тоқ соатларда).
«ГОРГОНАНИНГ БОШИ» — Ф. Гулом номи (11, 14, 17, 20.00), К. Ерматов номи (тоқ соатларда).
«ОЛТИН МАЪБУДА» — Хива (вазг, 22.15), Янгйобод (тоқ соатларда).

«БОШЛИК СОАТ 12 ДА КЕЛАДИ» — С. Раҳимов номи (тоқ соатларда).
«БОШЛИК СОАТ 12 ДА КЕЛАДИ» — С. Раҳимов номи (тоқ соатларда).
«ОЛТИН МАЪБУДА» — Хива (вазг, 22.15), Янгйобод (тоқ соатларда).

АВТОМАТ-ЖАВОБ ЕРУВЧИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-39.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номи — 76-34-02.
Искра — 39-14-59.
Нукус — 44-46-55 (дминистратор).
Шаҳар кинотеатрларида маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан таъриф ва истақлар бўйича Тошкент шаҳар икромия комитет Кинолаштириш бошқармасининг 33-11-телефонига кўнғоқ қилинсин.

КИТОБСЕВАРИЛАР ДИҚҚАТИ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИТОБ МАГАЗИНАРИ ВА КУТУБХОНА КОЛЛЕКТОРИ

қўйилган нашриётлар 1988 йилда босиб чиқарилган адабиётларнинг

ТЕМАТИК ПЛАНЛИРИНИ ОЛИШАДИ.
«МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ».

«ГИДРОМЕТЕОЛОГИЯ».
«ДОСААФ СССР».

Халқлар дўстлиги университетини нашриёти.
Эслатиб ўтамиз, панларнинг биринчи қисмигабуржумаларнинг бажарилишига кафолат берилганга нашрлар киритилган. Панларнинг иккинчи қисмидан эса, тираж панларини дорасида чоп этилганга нашрлар ўрин олган.

Адабиётларга одиндан берилганга буржумаларини ўз вақтида расмилаштириш вақтинчилиги тўғрисида зарур адабиётларга ва бўлинишига кафолат қилади. «ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САДОСИ ИДОРАСИ.

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИ!

Болаларни пионер лагерларига оммавий ривидда олиб кетиш муносабати билан

1987 йил 24 июлда 8 августга бўлган дар ичидида

шаҳар ва шаҳар атрофи маршрутиларида қўнғоқ автобусларининг сон бир мунча

ҚИСКАРАДИ

«ГЛАВТАШПАССАВТОТРИС».

2-Тошкент индустриал-педагогика техникуми коллективни кенга ўқитувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Тилла Халимов КИМОВНИНГ вафот этилигини ўқур қайғу билан билдирди марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар шайб чиқариш-тайёрлов кўхонаси коллективни қорқов ходими

Эркин РАХИМОНОВНИНГ вафот этилигини мунсабат билан қўнғоқ таъзия изҳор қилади.

ларнинг саволларига жавоб беради, ўзининг иккундй репертуаридаги энг яхши қўшиқларини иккунда этади.

БИЛЛУР КИНОКАМЕРА СОВРИНИ

Ўзбекистон ССР кинематографчилар союзи «Биллур кинокамера» совринини таъсис этиди. У ўзбек киносида мазмунли ижод қилган ва 1986 йилда яхши асарларни яратган ижодкорларга берилди. Бундай мукофотга сазовор бўлганлардан бири «Акс-садо» фильмининг ижодкорларидир. Бу кертинани В. Шербань, Ш. Махмудов, Т. Бобожонов яратганлар.


Фильм ҳозирги пайтда айрим кишиларнинг саломатлигини пугурдан кетказаватган, умрининг ашаддй заволи бўлган гиёҳвандликни фаш этиди. Бу иллатга мубтало бўлган кишиларнинг мия қобилияти куйида, руҳий ҳасталикка чалинади. Улар инсоний фазилатлардан маҳрум бўладилар. Ана шу янги ҳужжатли кинокартина пойтахтимиз экранларида намойиш этилади.

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ФИЛЬМЛАРИ

Ватанимиз пойтахти Москвада навбатдаги халқаро XV

ЕШЛИК СТУДИЯСИ КУРСАТАДИ

Ўзбекистон телевидениесининг «Ешлик» студияси 21 июль кунин соат 22 дан 25 минут ўтганда «Келинг, очкичига гаплашайлик» курсатувини намойиш қилади. Бунда сиз Фафур Фулом номидаги Сирдарё давлат педагогика институтининг ҳашаматли залда партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, мактаблар директорлари, ўқитувчи ва студентлари Сирдарё шаҳри аҳолиси олдига турган муаммолар ҳақида фикр юритадилар. Бу ўчаршувда қатнашадиган Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати Отажон Худойшукуров ёш



СУРАТДА: Я. Охунбобоев номидаги маданият уйи халқ театрида тайёрланган «Биринчи президент» спектаклидан Х. Шодиев фотоси.

Йўлчиева ижодига бағишлаб махсус видеофильм курсатувининг премьерасини ўтказди. Бу курсатув 26 июль кунин биринчи программа орқали соат 20.00 да намойиш этилади.

Курсатувни редактор Соғвалди Абдувоҳидов ва режиссёр Лариса Иноземцева тайёрладилар.

Бир соат давом этадиган бу курсатувда Муножот Йўлчиевнинг еттига қўшиги ўрин олган. Хонанданинг Навоий ғазали бўйича «Ўлтурғуси», Увайсий ғазали бўйича «Нихол эт» қўшиқлари кўпчиликлан манзур бўлган. У Абдулла Ориповнинг «Бул ажаб», Нодиранинг «Айладинг» қўшиқларини биринчи марта экранда куйлайди.

Курсатувда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг лауреати Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Мирзаев қатнашиб Муножот Йўлчиевнинг ижоди ҳақида гапирдилар. Видеофильмдаги айрим лавҳалар Абдулқосим мадрасаси атрофида, «Баҳор» концерт залида ва сўлим табият кучида суратга олинган. Курсатувни директор Раъно Жураева олиб боради.

Ҳақда сўхбат тинглашингиз мумкин. Соат 19 да эса «Ойла бахти нимада» деган мавзуда лекция ўқутирилади.

22 июль кунин «Билимлар уйи»да соат 19да хотирани пишиктириш ва тез ўқиш услуби ҳақида сўхбат ўтказилади. 23 июль кунин Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солистлари иштирокида музикали оқшомга ҳозирлик кўрилан.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Шу кунларда шаҳримизда гастроль сафарининг муваффақиятли давом этираётган Д. Н. Мамин — Сибиряк номидаги Нижний Тагиль давлат драма театри коллективини Ўзбекистон театр арбоблари союзида ҳамкасблари билан учрашадилар. Бу ерда 23 июль кунин гастроль юзасидан кенг даврада сўхбат бўлади. Ўзбек театршунослари меҳмонларимизнинг курсатган спектакллари ҳақида фикр юритадилар.

МУНОЖОТ ЙЎЛЧИЕВА КУЙЛАЙДИ

Ўзбекистон телевидениеси севимли хонанда — Муножот

ТЕЛМАН НОМИДАГИ БОҒДА

Бу оромгоҳда етук санъат коллективларининг концертини ўқутириш яхши аъзага айланиб қолган. 22 июль кунин томошбинлар М. Қориёкубов номидаги Ўзбек давлат филармония-концерт бирлашмасининг уйғур ашула ва рақс ансамбли маҳорати билан танишадилар. Бу коллектив ҳар ҳафтанинг чоршанба кунин ана шу ерда концертлар ўтказиб, томошбинларга маданий хизмат кўрсатиш ниятида.

«БИЛИМЛАР УЙИ»ДА

«СПИД хасталиги нима?» «Билимлар уйи»га 21 июль кунин соат 18 дан 30 минут ўтганда марҳамат қилиб бу

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР = РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
Роберт МАМЕДОВ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР ЁКИ ФАВҚУЛОДДА КЕЧА»

ПРОГРАММАСИ
ПСИХОЛОГИК ТАЖРИБАЛАР: томошбинлар ижоди, хотира ва унинг имкониятлари, масофадан турб фикр узатиш, эвритмик йишлар, аутотренинг-гиперотренинг.

Томошабинлар билан бевосита ҳамкорликда ўтказилган тажрибалар қўнғоқ илмий хусусиятга эгадир. Томошалар: 20, 21 июлда — соат 20.00 да бошланади. Насса ҳар кунин соат 9 дан 20.00 гача очил.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

ИШЧИЛАРИНИ
ХАРЬКОВ ПОДШИПНИК ЗАВОДИГА
ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ЮБОРАДИ
Ишга 18 ва ундан катта ёшдаги ёлғиз аёллар йиғувчи ва назоратчи касбларида ишлаш учун таклиф қилинади. Касби бўлмаган кишилар қорхонанинг ўзидан ихтисосга ўқитилади.

Харьков подшипник заводи «Йиғувчи» автомобиллари, «Нива» ва «Колос» комбайнлари, вагонлар, локомотивлар ва мамлакатимиз ҳамада 40 дан ортиқ хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган бошқа кўплаб машиналар учун подшипниклар етказиб беради. Ишлаб чиқариш жараёналари юксак даражада механизациялашган, аёло савияда меҳнат ва машиини шарт-шароитлар яратилган бу замонавий қорхона — Харьков шаҳридаги энг намунали қорхоналарининг биридир.

2 йил муддатта меҳнат шартномаси тузган ишчиларга суткалик ҳақ, иш жойига етиб бориш ва шартнома муддати тугагач, яна илгари яшаб турган ерига қайтиб келиш йўл харажатлари, қорхонага етиб келиши билан бир йўлга 60 сўм ёрдам пули тўланади.

Ташкилий равишда ишга келганлар яхши жиҳозланган ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш юзасидан қўйилган адресса мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-поъезд, 6-хона ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Республика ўқув-курс комбинати савдонинг қўйилган соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайди: БАРЧА ПРОФИЛДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ КОНТРОЛЕР-КАССИРЛАРИ ВА СОТУВЧИЛАРИ.

17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.
Тугатганларга «Контролер-кассир» ёки «сотувчи» ихтисоси берилади.

Озиқ-овқат (саноат) товарлари кичик сотувчиларининг тайёрлайдиган гуруҳларга ҳам тугалланмаган ўрта (8, 9 синф) маълумотли 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 ой, тугатганларга «кичик сотувчи» ихтисоси берилади.

Қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Республика ўқув-курс комбинати Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган қизларни шаҳар ва област савдо бош қармалари маҳаллий савдо идораларининг йўлланмаси билан қабул қилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киряди.
Ҳужжатларини қабул қилиш, шунингдек, гуруҳларда ўқиш бутун йил давомида узлуксиз олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
Ўқишга кирувчилар қўйилган ҳужжатларини топирадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, (086/У формадаги) медицина справкиси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов району, Бобир кўчаси, 3-уй (13 ва 70-автобусларнинг «Тез ёрдам кассалонаси», 4 ва 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефонлар 75-35-86, 75-35-92.

ТРИКОТАЖ—ҲАММА ВАҚТ МОДАДА, ИХЧАМ ВА ҚУЛАЙ

Уни чиндан ҳам «аср кийими» деб аташади.

Трикотажнинг гижимланмаслиги, нам тортиши унинг яхши хусусиятларидан ҳисобланади. Айниқса жазирама Тошкент ёзида унинг бу хусусиятлари алоҳида қийматга эга.

«Мадина» Тошкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотларини замонавий ранглар жиҳоси, ўзига хос, қайтарилимас бичимлар ажратиб туради.

22-24 ИЮЛЬ КУНЛАРИ
БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА
ЎҚУТИРИЛАДИГАН

САВДО-КЎРГАЗМАСИДАН ТРИКОТАЖ БЎЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН



БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН (телефон 42-27-39).

Касб танлаймиз

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОР»ГА ҚАРАШЛИ
46-МАКТАБ-МАГАЗИН

САНОАТ МОЛЛАРИ
КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚИЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ёши 17 дан 30 гача бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар. Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

Курсни тугатганларидан сўнг, ўқувчилар «Ташгалантерейтор»га қарашли магазинларга ишга юбориладилар.

Ўқишга кириш учун қўйилган ҳужжатлар керак: паспорт, аттестат, характеристика, яшаб жойидан справка, кийикта 3х4 см. ҳажми, кийикта 6х9 см. ҳажмидаги фотосурат.

Барча масалалар бўйича ушбу адресларга мурожаат қилинг:
«Ташгалантерейтор» — Фарҳод кўчаси, 20 уй. (Телефон 53-47-46, кадрлар бўлими);

Мақтаб-магазин — Боткин кўчаси, 5-уй (10, 28, 30, 72-автобуслар; 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» бекати). «Комсомол-ёшлар магазини». Телефон 67-44-60).

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОР».

КАСБ ТАНЛАЙМИЗ! ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ ҚИЗЛАРИНИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Фрунзе савдо маркази қўйилган мактаб — магазин ўрта маълумотли, Тошкентда прописида турган 17 дан 25 ёшгача бўлган қизларни сотувчилар тайёрлайдиган курсларга қабул қилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 52 сўмдан 62 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқишни битирганларга кичик сотувчи мутахассислиги берилади. Орадан бир йил ўтгач, ёш мутахассислар Тошкент савдо техникумига кириб ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ўқишга кириш учун паспорт, маълумоти ҳақида ҳужжат, 5х6 см. ҳажмида 3 дона фотосурат, турар жойидан справка, характеристика керак бўлади.

Фрунзе савдо марказига 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар ҳамда 2, 3, 54, 57, 58, 67, 77-автобусларда «Театральная» бекатига бориладилар.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-52-89).

ХОНАТЛАС КЎЙЛАК

Бундай қўйлақлар ёш қизларга ҳам, қатта ёшдаги аёлларга ҳам бирдай ярашади. Улар ёзининг жазирамасида ҳам, тантанали маросимларда ҳам жуда қулай. Хонатлас қўйлақлар яш-иш гуздорлардан, мовий осмондан ранг олгандек шаҳар манзараларига уйғунлашиб кетади.

Сиз хонатласдан тикилган қўйлақларни ГУМдан сотиб олишингиз мумкин. Баҳоси размерига кўра 40 сўмдан 75 сўмгача.

ГУМДА, ШУНИНГДЕК, КРЕПЖОРЖЕТ, ШИФОН КАБИ ГАЗЛАМАЛАРДАН ТИКИЛГАН ХИЛМА-ХИЛ ҚЎЙЛАҚЛАР МАВЖУД.

ГУМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Мурожаат учун адрес: 700060, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5-а уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 69, 80, 71-автобусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси) бекати. Телефон 33-19-24.

ДИҚҚАТ!

Метронинг қўйилган «Тинчлик» станцияси зонасидаги иссиқлик трассасининг реконструкцияси бошлангани муносабати билан 31 июль соат 18.00 гача Марказ-26, Марказ-27, Беруний кўчаси, Б-1, Б-3, Студентлар шаҳарчаси, «Олимпия» шаҳарчаси, Т. ПИ, ТошДУ, Калинин номи, ТошМИ, ТопПИ клиник масивларида ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ.

Таътилдосеъ» қорхонаси (телефон 33-32-32).

Телефонлар: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; советхурилиш ва халқ қўлини — 32-54-32; санъат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-84-14; шаҳар хўжалиги, савдо ва машиини хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-85-85; фан ва ўқув юртлири — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварли тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; халқаро ва оммавий ишлар — 32-28-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик, редакцияси — 32-39-42; 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшомини»
«Вечерний Ташкент» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмақонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; советхурилиш ва халқ қўлини — 32-54-32; санъат, транспорт ва алоқа — 32-08-74, 32-84-14; шаҳар хўжалиги, савдо ва машиини хизмат — 32-55-39, капитал қурилиш — 32-85-85; фан ва ўқув юртлири — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварли тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 32-28-95; халқаро ва оммавий ишлар — 32-28-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик, редакцияси — 32-39-42; 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 32-81-42.